

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ЖЎРАЕВА НОДИРАХОН ҚУРБОНОВНА

УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ СОҲАСИ ФАОЛИЯТИНИ
БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) in
economic sciences**

Жўраева Нодирахон Қурбоновна

Уй-жой коммунал соҳаси фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-
иқтисодий механизмларини такомиллаштириш..... 3

Жураева Нодирахон Курбоновна

Совершенствование организационно-экономического механизма
управления сферой жилищно-коммунального хозяйства 27

Juraeva Nodirakhon Kurbonovna

Improvement of the organizational and economic mechanism for
managing the sphere of housing and communal services 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ЖЎРАЕВА НОДИРАХОН ҚУРБОНОВНА

УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ СОҲАСИ ФАОЛИЯТИНИ
БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

философия доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Кабинети ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Iqt1172 рақам билан
қўшилган.

Диссертация Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-
саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хонкелдиева Гўзал Шеровна
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Рахимова Дилфуза Нигматовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Зоҳидов Азамат Аъзамович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Ўтказувчи ташкилот:

Тошкент архитектура-қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар
берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «21» сентябрь куни
соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси,
49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида
таништириш мумкин (1034 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоҳ
Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «07» сентябрь куни тарқатилди..

(2021 йил «07» сентябрь даги № 55 рақамли реестр баённомаси).



Н.Х. Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, и.ф.д., профессор

Ш.Дж. Эргашходжаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида уй-жой коммунал соҳаси «инсон ресурслари» тараққиётининг асосий омилларидан бири сифатида қаралиб, ҳаётий зарур энг муҳим эҳтиёжларнинг етарли даражада қондирилиши инсоннинг ўз қобилият ва имкониятларини кенг намоён этишини таъминлайди. «Бугунги кунда жаҳонда аҳоли сонининг ортиб боришига мутаносиб равишда уй-жой фонди кенгайиб бормоқда. Хусусан, уй-жой фонди 2017 йилда ривожланган мамлакатлардан Америка Қўшма Штатларида 136,6 млн., Буюк Британияда 23,9 млн., Германияда 41,7 млн., Францияда 35,4 млн. ва Канадада 133,7 млн. тага етди»¹. Уй-жой коммунал хизматлари соҳасининг ривожланиш ҳолати жамият аъзоларининг энг муҳим ижтимоий эҳтиёжларини қондириш асосида уларнинг меҳнат қилиш қобилиятини тиклаш билан бирга мамлакат иқтисодиётида ялпи ички маҳсулотнинг сезиларли қисмини яратувчи соҳа ҳисобланганлиги, шу билан бирга соҳа миллий иқтисодиёт энергия ресурсларининг сезиларли қисмини истеъмол қилаётганлиги туфайли жамият тараққиётининг бугунги босқичида ушбу соҳани ривожлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон аҳолисининг жадал суръатлар билан ортиб бориши билан боғлиқ ҳолда уй-жой фондининг кенгайиши, бир томондан, истеъмолчиларнинг уй-жой коммунал хизматларига бўлган реал эҳтиёжи даражасининг ортишига олиб келса, иккинчи томондан, истеъмол қилинаётган хизматлар сифатига бўлган талаб даражасининг кўтарилишига олиб келмоқда ва, шу сабабдан, уй-жой коммунал корхоналари томонидан яратилаётган хизматлар ҳажми ва унинг сифатига ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқиши лозимлиги талаб этилмоқда. Бу эса уй-жой коммунал соҳасида фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш жараёнларини мавжуд ўзгаришларга мос ҳолда такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқаради.

Ўзбекистонда уй-жой коммунал соҳасида ишга туширилмаган имконият ва салоҳиятнинг юқори даражасининг сақланиб қолиши, аксарият истеъмолчилар томонидан соҳадаги мулкий ўзгаришларнинг мазмунини тўлиқ англаб етмаслик ҳолатлари мавжуд. Натижада фуқароларнинг ўзлари яшаб турган уй-жой кўринишидаги мулкларига бўлган муносабатини ўзгартириш ҳамда бу мулкдан фойдаланиш жараёнидаги иштирокини фаоллаштиришда муайян вазифалар вужудга келмоқда. Ўзбекистонни 2030 йилгача бўлган даврда ривожлантириш Концепцияси ҳамда 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида шаҳарларни «ақлли шаҳар» тизимига ўтказиш ва «аҳолининг коммунал-маиший хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш»² вазифаларининг белгиланганлиги ҳам соҳада чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда уй-жой коммунал соҳасида самарали бошқарув механизмларини жорий этишнинг долзарблигини кўрсатади.

¹ <https://www.statista.com/statistics/240267/number-of-housing-units>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. 2017 йил 7 февраль // www.lex.uz.

Ўзбекистон Республикасининг «Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида» (2020 йил), «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Қонунлари (1999 йил), Уй-жой кодекси (1998 йил), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5017-сон «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2005 йил 10 февралдаги ПҚ-3-сон «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2900-сон «Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йилнинг 24 апрелдаги ПҚ-2922-сон «2017-2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Уй-жой коммунал соҳаси фаолиятида бошқариш жараёни самарадорлигини такомиллаштириш, соҳада бозор муносабатларини чуқурлаштириш ҳамда соҳа корхоналарида юзага келувчи рискларни бошқариш борасида хорижий давлатларда бир қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Жумладан, хорижий олимлардан М.П.Жонсон, П.Осборн, М.С.Женсен, М.Лейтч, П.Сметс, П. Ван Линдерт, С.Ганапати, С.Уилер, Ж.Пламмер, С.Хейманс, Е.Остром, Р.Бодоу каби олимларнинг илмий ишлари алоҳида аҳамият касб этади³. Ушбу олимларнинг тадқиқот ишларида уй-жой коммунал соҳасининг ривожланиш хусусиятлари, уй-жой фонди ва уни бошқариш, соҳада бозор муносабатларининг шаклланиши, уй-жой коммунал соҳасида бошқарув жараёнларини ташкил этиш

³ Johnson, M.P. (2012), In: Privett, N.A., editor. International Series in Operations Research and Management Science. Operations Management in Community-Based Nonprofit Organizations, Department of Public Policy and Public Affairs University of Massachusetts Boston, Boston, MA 02125-3393, USA; Osborne, P. (2005), In: Stephen, O.P., Brown, K., editors. Managing Change and Innovation in Public Service Organizations. New York, NY: Madison Ave.; Jensen M.C., Meckling W.H. Theory of the Firm. Managerial Behavior, Agency Costs and Ownership Structure. Journal of Financial Economics, 1976, vol. 3, no. 4, pp. 305–360.; Leitch, M. «The Risk Management Gap», Board Leadership, vol. 2017, no. 154, pp. 1-3. doi:10.1002/bl.30088.; Peer Smets & Paul van Lindert (2016) Sustainable housing and the urban poor, International Journal of Urban Sustainable Development, 8:1, 1-9, DOI: 10.1080/19463138.2016.1168825; Ganapati S. 2014. Housing cooperatives in the developing world. In: Bredenoord J, van Lindert P, Smets P, editors. Affordable housing in the urban global south: seeking sustainable solutions. London: Routledge/Earthscan; p. 102-116.; Wheeler S. 2003. Planning sustainable and livable cities. In: LeGates TT, Stout F, editors. The city reader. London, New York: Routledge.4; Plummer, J. and C. Heymans, (2002). Focusing Partnerships: a sourcebook for municipal capacity building in public-private partnerships, London, Sterling, VA; Ostrom E. (2010) Working Together Collective Action, the Commons, and Multiple Methods in Practice; R. Baudouin (2014) Penser la transition éthique de l'urbanisme pour l'aménagement de villes durables. Le cas de la France et de la Suisse;

ва уни моделлаштириш масалалари муайян даражада назарий ва услубий жиҳатдан ўрганилган.

Уй-жой коммунал соҳасида фаолият кўрсатувчи корхоналар фаолиятини бошқариш, тизим фаолиятини такомиллаштиришда давлат билан муносабатлар, хизматлар турлари бўйича корхоналар бошқарув жараёнларини моделлаштириш МДХ олимларидан Е.В.Захарова, А.В.Абдуллина, Е.Н.Жильцов, В.Н.Казаков, Т.К.Рауткаускас, Р.Ж.Сираждинов, В.Е.Комарова, В.З.Черняк, Ю.Ф.Симионова, Р.Ф.Гатауллин, Е.А.Каменева, О.Б.Скрипник, И.В.Соргутов, А.Н.Чернышов, Е.С.Шомина, А.М.Гончаров, А.В.Лысых, А.М.Платонов, С.А.Егорычев, С.А.Евсеева, Л.Н.Тэпман, В.В.Бузырев, А.Ф.Борисовлар томонидан атрофлича ўрганилган⁴. Ушбу тадқиқотларда олимлар уй-жой коммунал соҳасида самарали бошқарув тизимлари ҳамда соҳада жараёнларни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари шаклланишини назарий ҳамда амалий жиҳатдан баҳолашга эътибор қаратишган.

Мамлакатимизда уй-жой коммунал соҳасини ривожлантириш, соҳада бозор муносабатларини чуқурлаштириш, хизматлар сифатини бошқариш ҳамда бошқарув жараёнларини такомиллаштириш масалалари Р.И.Нуримбетов, С.С.Фуломов, В.У.Ёдгоров, Т.А.Хасанов, С.К.Салаев, И.Х.Давлетов, А.С.Султанов, Ф.Эргашев, Д.Рахимова ва Г.Хонкелдиева каби⁵ мамлакатимиз олимларининг тадқиқотларида ўз аксини топган.

⁴ Захарова Е.В. Жилищно-коммунальные услуги – как общественное благо: особенности реализации в Российской экономике. Автореферат на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М.: 2010 г. –с.34.; Абдуллина А.Р. Жилищно-коммунальное хозяйство в России / А.Р.Абдуллина, И.А.Владимиров // Челябинск: «Два комсомольца», 2011. – 147 с.; Жильцов Е.Н., Казаков В.Н. Экономика социальных отраслей сферы услуг. – М.: МГУ; ТЕИС, 2007. – 274 с.; Руткаускас Т.К. Формирование и развитие рыночных отношений в жилищно-коммунальном хозяйстве: теория, методология и практика. Автореферат на соискание ученой степени доктора экономических наук. –Екатеринбург: 2006 г. – 35 с.; Управление в городском хозяйстве: учебное пособие. кол. авторов: под ред.Р.Ж.Сираждинова. -М.: КНОРУС, 2009. – 217 с.; Комарова В.Е., Улановская В.Д. Эффективность и интенсификация непроектной сферы. –М.: Экономика, 1997. – 249 с.; Черняк В.З. Жилищно-коммунальное хозяйство: развитие, управление, экономика. –М.: КНОРУС, 2007. –183 с.; Экономика жилищно-коммунального хозяйства/ под ред. Ю.Ф.Симионова. –М.: ИКЦ «МарТ», 2004. – 211 с.; Гатауллин Р.Ф. Повышение эффективности сферы услуг населению: теория и методология. –Уфа: Восточный университет, 2001. – 132 с.; Каменева Е.А., Барулин С.В. Финансы жилищно-коммунального хозяйства. –М.: Ось-89, 2003. –224 с.; Скрипник, О.Б. Реформирование регионального жилищно-коммунального комплекса: методология и практика / О.Б. Скрипник. – М.: Финансы и статистика, 2013. – 288 с.; Соргутов, И.В. Методический подход к оценке уровня безопасности системы территориального жизнеобеспечения: автореф. дис. канд. экон. наук: 08.00.05 / И.В. Соргутов. – Екатеринбург, 2013. – 32 с.; Чернышов, А.Н. Управление жилищно-коммунальным хозяйством региона на основе программно-целевого подхода: автореф. дис. канд. экон. наук: 08.00.05 / А.Н. Чернышов. – Челябинск, 2011. – 26 с.; Шомина Е.С. Городские общественные движения на разных фазах развития гражданского общества: Сравнительный анализ жилищного движения в России и за рубежом. Дис. док. полит. наук 23.00.02. Москва. 2001. –48 с.; Гончаров А.М., Лысых А.В., Платонов А.М. Управление жилищным фондом: монография. –Екатеринбург: АМБ, 2012. – 240 с.; Егорычев С.А. Управление устойчивым развитием муниципальных образований: дис. канд. экон. наук. – Оренбург., 2015. – 194 с.; Евсеева С.А. Проблема несогласованности интересов субъектов хозяйствования в системе менеджмента организаций ЖКХ. // Проблемы современной экономики, 2012, №4. С. 299-303.; Тэпман Л.Н. Риски в экономике / под ред. В.А. Швадара. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2002. – 380 с.; Бузырев В.В., Чекалин В.С. Экономика жилищной сферы. М.: Инфра-М, 2001.; Проблемы управления организациями социальной сферы/ Под. ред. А. Ф. Борисова СПб.: Изд-во «Книжный дом», 2002.

⁵ Нуримбетов Р.И., Султанов А.С. Уй-жой фондини бошқаришнинг хорижий тажрибаларидан республикаимизда фойдаланиш истикболлари // Хоразм Ма'мун akademiyasi axborotnomasi. – 2019. Урганч: №3. -15-23 б.; Гулямов С.С., Жумаев Н.Х., Рахмонов Д.А., Ташходжаев М.М. Ижтимоий соҳада инвестицияларнинг самарадорлиги. Монография. –Т: IQTISODIYOT, 2019.; Ёдгоров В.У., Бутунов Д.Я. Уй-жой коммунал хўжалиги ва

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда уй-жой коммунал соҳасининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденцияси, шу билан бирга соҳа корхоналари фаолиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш масалаларини илмий жиҳатдан асослаш, соҳа фаолиятида ривожланган мамлакатларда фойдаланилаётган модель ва механизмлардан фойдаланиш масалалари олимлар тадқиқотларида ўрганилиб, маълум ёндашувлар асосида ечимлар топилган бўлса-да, аммо бевосита уй-жой коммунал соҳаси фаолиятни самарали тизим шаклида ташкил этиш ҳамда соҳа корхоналари фаолиятини бошқариш механизмларини назарий-методологик жиҳатдан ўрганиш ва уни ривожлантиришдаги аҳамиятини белгилаш муҳим бўлиб, бу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб ҳисобланади. Соҳада мавжуд муаммолар ва уни келажақда ривожлантириш учун белгиланган йўналишлар диссертация ишининг мақсад ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона политехника институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодийни модернизациялаш шароитида уй-жой коммунал соҳаси фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

уй-жой коммунал соҳаси томонидан таклиф этиладиган хизмат турлари, уларнинг самарадорлиги ва сифатига таъсир этувчи омиллар таснифини бошқарув жараёнлари нуқтаи назаридан такомиллаштириш;

уй-жой коммунал соҳаси ҳолатини таҳлил қилиш, соҳадаги ўзгаришлар тенденциялари ҳамда омилли боғланиш асосида трендларни аниқлаш ҳамда соҳа фаолиятини бошқариш механизмлари самарадорлигини баҳолаш;

уй-жой коммунал хўжалиги корхоналари рақобатбардошлиги ва хизматлар сифатини бошқариш жараёнига таъсир этувчи омилларни бошқариш йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда соҳа корхоналари фаолияти жараёнида юзага келиши мумкин бўлган рискларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш;

уй-жой коммунал соҳаси бошқарув фаолияти самарадорлигини оширувчи модел ва механизмларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

иқтисодий. Дарслик. 2011.; Ҳасанов Т.А. Ўзбекистонда хусусий уй-жой фондини бошқариш тизимини такомиллаштириш // Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Т.: 2019 й. -56 б.; Салаев С.К., Ташмухамедова К.С. Уй-жой қурилиши ҳудудий бозорининг ташкилий-иқтисодий механизмни ривожлантириш стратегияси. Архитектура. Қурилиш. Дизайн илмий-амалий журнали. №3. Издательство ТАСИ. -Ташкент, 2016.; Давлетов И.Х. Социально-экономические проблемы развития жилищного строительства в модернизируемой экономике. Монография. Изд. «Fan va texnologiya», Ташкент, 2012.; Нурибегов Р.И., Султанов А.С. Уй-жой коммунал хўжалиги ташкилотларида сифат менежменти тизимини жорий этиш муаммолари // Хоразм Ма'mun akademiyasi axborotnomasi. – 2019. Урганч: №3. -8-15 б.; Ф.Эргашев, Д.Рахимова, А.Сагдуллаев, О.Парпиев. Инновацион менежмент. Дарслик. –Т.: Академия, 2005.; Хонкелдиева Г.Ш. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корпорацияларни бошқаришнинг илмий-методологик асослари. и.ф.д. (DSc) дисс. автореферати. –Т: ТДИУ, 2018 й.

ҳудудларда уй-жой коммунал хизматлари самарадорлигини оширишда давлат-хусусий шерикчилик механизми асосида фаолият кўрсатувчи «маҳаллий уй-жой коммунал хизматлари кластери» моделини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал соҳасида фаолият кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети уй-жой коммунал соҳаси фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида илмий абстракция, таҳлил ва синтез, таққослаш, эксперт баҳолаш усули, статистик таҳлил, тизимли таҳлил, ижтимоий сўровлар ўтказиш ва таҳлил этиш, SWOT – таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш ва эконометрик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

уй-жой коммунал соҳаси фаолиятини бошқариш муайян ҳудуд уй-жой коммунал хизматлари истеъмолчилари томонидан хизмат сифатини даврий баҳолаш натижалари асосида уй-жой фондини техник эксплуатация қилиш ва аҳолининг хавфсиз яшаши бўйича талабларнинг бажарилишини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

паст рентабелли коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини давлат-хусусий шерикчилик шаклида ташкил этиш орқали уй-жой коммунал соҳаси фаолиятининг ташкилий самарадорлигини ошириш асосланган;

кўп хонадонли уй-жой фондидан самарали фойдаланиш ва тегишли коммунал хизматлар кўрсатишни тартибга солишда ҳудудий назорат тузилмалари фаолиятини йўлга қўйиш таклифи асосланган;

Ўзбекистонда уй-жой коммунал соҳаси асосий фаолиятидаги узоқ муддатли ўзгариш қонуниятлари асосида 2024 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

уй-жой коммунал соҳасида бошқариш жараёнларини соддалаштириш имконини берувчи уй-жой коммунал хизматлари бозори, хизматлар турлари ҳамда соҳада бошқарув фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг такомиллаштирилган таснифи ишлаб чиқилган;

уй-жой коммунал хўжалиги фаолияти самарадорлиги ва сифатини баҳолаш кўрсаткичлари тизимлаштирилган ҳолда ҳудудлардаги уй-жой коммунал соҳасининг жорий бошқарув ҳолатини тўлиқ акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими услубий жиҳатлари асосланган;

соҳанинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар ҳамда мавжуд шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда уй-жой коммунал соҳаси асосий кўрсаткичларининг 2013-2024 йиллар давомидаги ўзгариш қонуниятлари аниқланган ҳамда ушбу трендлар асосида соҳанинг яқин келажакдаги ўзгаришлар йўналишлари баҳоланган;

соҳа корхоналари самарадорлигига ҳамда тақдим этилаётган хизматлар сифатини бошқариш жараёнига таъсир этувчи асосий омиллар аниқланиб, ушбу омиллар асосида уй-жой коммунал соҳасининг ривожланиши SWOT таҳлили амалга оширилган ҳамда ўтказилган сўровнома натижалари асосида ҳудудларнинг уй-жой коммунал хизматлари сифати бўйича интеграл кўрсаткични аниқлаш услубиёти ишлаб чиқилган;

уй-жой коммунал соҳаси фаолиятини бошқариш йўналишида моделлар ва механизмлар ишлаб чиқилган, ишлаб чиқилган модел ва механизмларнинг самарадорлиги асосланган ҳамда улардан амалиётда фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилган;

ҳудудларда уй-жой коммунал соҳаси фаолияти самарадорлигини оширишда давлат-хусусий шерикчилик механизми асосида фаолият кўрсатувчи «маҳаллий уй-жой коммунал хизматлари кластери» модели ишлаб чиқилган, моделнинг самарадорлиги асосланган ҳамда ушбу моделдан фойдаланишга қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотни амалга ошириш жараёнида қўлланилган илмий-услубий ёндашувлар ва усулларнинг тадқиқот мақсади билан мослиги ҳамда илмий асосланганлиги, таҳлил учун олинган маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, ўтказилган сўровномаларнинг кенг қамровдаги респондентлар доирасида ўтказилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги, шунингдек олинган натижаларнинг амалиётда фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация иши доирасида олинган тадқиқот натижаларидан уй-жой коммунал соҳаси илмий-тадқиқот, таълим ҳамда ихтисослашган техник ва иқтисодий таълим муассасаларида жараёнларни бошқариш самарадорлигини ошириш ҳамда соҳани барқарор ривожлантириш жараёнларини бошқаришни режалаштириш ва моделлаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий-назарий хулосалари ва услубий тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва унинг таркибидаги ҳудудий идоралар, бўлинмалар, соҳа корхоналари ҳамда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги фаолиятида ҳамда ҳудудларни ривожлантириш дастурлари мақсадли кўрсаткичлари, чора-тадбирлари ҳамда йўл хариталарини шакллантириш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Уй-жой коммунал соҳаси фаолиятини бошқаришни муайян ҳудудий-жой коммунал хизматлари истеъмолчилари томонидан хизмат сифатини даврий баҳолаш натижалари асосида уй-жой фондини техник эксплуатация қилиш ва аҳолининг хавфсиз яшаши бўйича талабларнинг бажарилишини таъминлаш орқали такомиллаштириш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5017-сон «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

фармонидаги тадбирларни шакллантиришда фойдаланилган(Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2020 йил 4 ноябрдаги 05/03-3766-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш ва тармоқлараро мувофиқлаштиришни амалга ошириш йўналишида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, уй-жой коммунал хизматлари ҳамда уй-жой коммунал хизматлари бозори элементларини тасниф асосида ажратиб олиш имкониятини яратди;

паст рентабелли коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини давлат-хусусий шерикчилик шаклида ташкил этиш орқали уй-жой коммунал соҳаси фаолиятининг ташкилий самарадорлигини ошириш бўйича таклифдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 октябрдаги ПҚ-3980-сон «Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг «Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг устувор йўналишларида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича тармоқ дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш» йўналишидаги вазифаларни шакллантиришда фойдаланилган(Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2020 йил 4 ноябрдаги 05/03-3766-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши уй-жой коммунал соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишни услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарадорлигини таъминлаш имкониятини яратди;

кўп хонадонли уй-жой фондидан самарали фойдаланиш ва тегишли коммунал хизматлар кўрсатишни тартибга солишда ҳудудий назорат тузилмалари фаолиятини йўлга қўйиш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 октябрдаги ПҚ-3980-сон «Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг «Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг устувор йўналишларида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича тармоқ дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш» йўналишидаги вазифаларни шакллантиришда фойдаланилган(Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2020 йил 4 ноябрдаги 05/03-3766-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши кўп хонадонли уй-жой фондидан самарали фойдаланиш ва тегишли коммунал хизматлар кўрсатишни тартибга солиш самарадорлигини таъминлаш имкониятини яратди;

Ўзбекистонда уй-жой коммунал соҳаси асосий фаолиятидаги узоқ муддатли ўзгариш қонуниятлари асосида ишлаб чиқилган 2024 йилга қадар прогноз кўрсаткичларидан Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ривожлантиришнинг узоқ муддатли иқтисодий дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2020 йил 4 ноябрдаги 05/03-3766-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий натижанинг

амалиётга жорий этилиши фаолият кўрсатаётган уй-жой коммунал хизматлари кўрсатувчи корхоналарни янги асосда ташкил этиш орқали тизимда транзакция харажатларини 30%гача қисқартириш, етказиб берилаётган коммунал ресурслар йўқотилиш даражасини ўртача 15%гача пасайтириш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифатини белгиланган страндартларга мослигини таъминлаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 15 та иш, жумладан, 5 та халқаро илмий-амалий анжуманда ва 10 республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.

Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та макола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 146 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Уй-жой коммунал соҳаси фаолиятини бошқаришнинг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида Ўзбекистонда уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятининг шаклланиши ва уларни бошқаришнинг назарий-услубий жиҳатлари, уй-жой коммунал хўжалиги фаолият самарадорлиги ва сифатини баҳолаш кўрсаткичлари тизими ҳамда уй-жой коммунал соҳаси фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг хориж тажрибалари ёритиб берилган.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳар қандай жамиятнинг ривожланиш даражаси унинг фуқаролари турмуш фаровонлик даражаси ҳамда турмуш фаровонлигини ошириш орқали «инсон ресурслари»ни ривожлантириш орқали ортади. Бугунги кунда мамлакатларнинг ривожланиш ҳолатини баҳоловчи халқаро баҳолаш тузилмаларининг кўрсаткичлари таркибида фақатгина иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзига таяниб қолмасдан, жамиятнинг ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари олдинги ўринларга чиқмоқда. Чунки ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти натижасидаги

ўзгаришларни ўзида акс эттиради ва бу кўрсаткичлар орқали унинг умумий ривожланиш ҳолатига баҳо бериш мумкин.

Уй-жой коммунал соҳасининг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамиятини ўрганиш соҳанинг куйидаги иккита асосий хусусиятини ажратиб кўрсатиш имконини беради⁶:

1. Иқтисодий жиҳатдан уй-жой коммунал соҳаси фаолияти ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш, ялпи миллий маҳсулот ва миллий даромадни яратиш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини оширишга билвосита таъсир этувчи омил ҳисобланади.

2. Ижтимоий жиҳатдан эса соҳа томонидан кўрсатилаётган хизматлар бозор муносабатларини жорий этиш даврида аҳолининг турмуш фаровонлиги даражасини барқарорлаштириш ва келгусида ушбу кўрсаткични ошириш, турмуш сифатини яхшилаш, ижтимоий адолат тамойилини тўлароқ амалга оширишнинг самарали омили сифатида қаралади.

Алоҳида белги ва хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда уй-жой коммунал соҳаси хизматларини белги ва хусусиятларига кўра таснифлаш мақсадга мувофиқ (1-жадвал).

1-жадвал

Уй-жой коммунал соҳаси хизматлари таснифи⁷


Белги ва хусусиятлар	Хизмат турлари
Хизматларни ишлаб чиқариш субъекти ва истеъмол объекти характерига кўра	Номоддий (кўриқлаш, тозалаш ва бошқа) хизматлар Моддий (жамоатчилик фойдаланадиган жойлар, санитар-техник жиҳозлар, алоқа воситалари ва бошқаларни таъмирлаш) хизматлар
Кўрсатилаётган хизматларнинг функционал мазмунига кўра	Шахсий (уйларни сақлаб туриш ва жорий таъмирлаш хизматлари ва бошқа) хизматлар Янги маҳсулотни яратувчи (аҳолининг алоҳида буюртмалари асосида тураржойларни қуриш ва бошқа) хизматлар Фойдаланишда бўлган маҳсулотларнинг истеъмол хусусиятларини тикловчи (тураржойлар, тураржой жиҳозларини таъмирлаш) хизматлар Интеллектуал (реклама, лойиҳалаш ва бошқа) хизматлар
Истеъмол ва жамғаришга муносабатига кўра	Пулли (истеъмолчилар томонидан хизматлар учун тўловлар амалга ошириладиган) хизматлар Бепул (бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган) хизматлар
Истеъмол шаклига кўра	Индивидуал (турар жойларни таъмирлаш ва бошқа) хизматлар Биргаликда истеъмол қилинадиган (сув таъминоти, канализация, жамоатчилик фойдаланадиган жойларни таъмирлаш ва бошқалар) хизматлар
Хизмат кўрсатиш даражасига кўра	Ижтимоий тураржойлар (муниципал) учун стандарт хизматлар Яшаш қулайлигини таъминлаш бўйича (ижтимоий-хусусий) хизматлар Юқори сифатли (иқтисодий жиҳатдан барқарор истеъмолчилар учун) хизматлар

⁶ Руткаускас Т.К. Формирование и развитие рыночных отношений в жилищно-коммунальном хозяйстве: теория, методология и практика. Автореферат на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Екатеринбург: 2006 г. –С. 13.

⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бозор муносабатларининг ривожланиб бориши билан уй-жой коммунал соҳасига хусусий корхоналарнинг жалб этилиши орқали аҳолига кўрсатилаётган хизматлар кўлами янада кенгайиб бормоқда. Жаҳон амалиётида кўрсатилаётган хизматларнинг умумий белгилари асосида бозорни сегментлашга асос бўлган бўлиниш (тижорий ва нотижорат) тенденцияси кузатилмоқда. Уй-жой коммунал хизматлари бозори томонидан таклиф этилаётган хизматларга бўлган талаб эластиклиги паст бўлганлиги, яъни ушбу хизмат турларини танлаш ёки истеъмол ҳажмини чеклаш имконияти чекланганлиги таклиф этилаётган хизматлар бозорини таркибий жиҳатдан ўрганиб чиқишни тақозо этади.

Уй-жой коммунал хизматлари бозори истеъмолчилар (аҳоли)га уй-жой хизматлари бозори ва коммунал хизматлар бозори томонидан таклиф этиладиган қуйидаги икки гуруҳ хизматларни тақдим этади (1-расм).



1-расм. Уй-жой коммунал хизматлари бозорида истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматлар таснифи⁸

⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бозор муносабатларининг жорий этилиши билан соҳада фаолият олиб бораётган корхоналарнинг фаолиятни ташкил этиш ва уларни бошқариш билан боғлиқ муносабатларда жиддий ўзгаришлар кузатилади. Шу билан боғлиқ ҳолда бозор муносабатлари шароитида уй-жой коммунал соҳасидаги корхоналарда бизнес-тизимини амалга ошириш технологиясини тадқиқот ишида келтирилган шаклда ташкил этилиши таклиф этилади.

Ушбу технология корхоналар томонидан истеъмолчилар (аҳоли)нинг аниқ эҳтиёжларини ўрганиш асосида мақсадларни белгилаш, харажатларни режалаштириш, иш жараёнини ташкил этиш, ресурсларни тақсимлаш, сифатни назорат қилиш ва бошқариш ҳамда фаолият йўналишларини кенгайтириш жараёнларини ўз ичига олади⁹.

Уй-жой коммунал хизматларини фаолият олиб борилаётган бутун ҳудуд бўйича баравар ишлашини таъминламасдан соҳанинг барқарор ривожланишини таъминлаб бўлмайди. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, соҳа корхоналарининг ҳар томонлама ва объектив баҳолаш ҳамда соҳада мавжуд асосий муаммоларни аниқлаш масаласи долзарб ҳисобланади.

Бу вазифани ҳал этиш учун тегишли услубий воситаларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Масаланинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш асосида ҳудуддаги уй-жой коммунал хизматлари соҳасининг жорий ҳолатини тўлиқ акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими шакллантирилди.

Кўрсаткичларни интеграллашган кўрсаткич ҳолатига келтириш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

1-босқичда ҳар бир гуруҳ кўрсаткичлари бўйича алоҳида кўрсаткичлар (R_j) қиймати аниқланади:

$$R_j = \frac{\sum_{i=1}^n k_i}{n}$$

Бу ерда $-k_i$ - стандартлаштирилган коэффицент;

n – гуруҳдаги кўрсаткичлар сони.

2-босқичда ҳудуддаги уй-жой коммунал хизматлари ҳолатини кўрсатувчи интеграллашган кўрсаткич (R) ҳисобланади:

$$R = \frac{R_1 + R_2 + R_3 + R_4}{4};$$

Бу ерда $-R_1$ - ҳудуднинг уй-жой фонди ҳолатини кўрсатувчи кўрсаткичлар гуруҳи бўйича умумлашган кўрсаткич;

R_2 – ҳудуднинг коммунал хизматлари (ресурслар таъминоти) кўрсаткичлар гуруҳи бўйича умумлашган кўрсаткич;

R_3 – ҳудуднинг ободонлашув хизматлари кўрсаткичлар гуруҳи бўйича умумлашган кўрсаткич;

R_4 – ҳудуддаги коммунал хизматлар корхоналаридаги молиявий жараёнлар кўрсаткичлар гуруҳи бўйича умумлашган кўрсаткич.

⁹ Руткаускас Т.К. Формирование и развитие рыночных отношений в жилищно-коммунальном хозяйстве: теория, методология и практика. Автореферат на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Екатеринбург: 2006 г. –С. 14.

3-босқичда уй-жой коммунал соҳасидаги муаммолари умумий бўлган ҳудудлар гуруҳи белгиланади. Интеграл кўрсаткич қийматининг эҳтимолий чегараси оралиғи 0 дан 1 гача оралиқда ётади ва ушбу оралиқ доирасидаги кўрсаткичга эга бўлган ҳудудларни кўрсаткич қийматига асосан 4 та гуруҳга бирлаштириш тавсия этилади.

Жаҳон мамлакатларининг уй-жой коммунал соҳасини шакллантириш ва ривожлантириш тажрибаларини ўрганиш асосида мамлакатимизда ушбу соҳани бозор муносабатлари ва миллий хусусиятларни эътиборга олган ҳолда қуйидаги йўналишларда ислохотларни амалга ошириш лозим:

1. Уй-жой коммунал соҳасида табиий монополия даражасини қисқартириш ҳамда соҳада давлат-хусусий шерикчилик механизмини кенг жорий этиш асосида соҳада бозор муносабатларининг чуқурлашишига шароит яратиш.

2. Соҳада кўрсатилаётган хизматлар ва етказиб берилаётган коммунал ресурслар учун ягона тарифлар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда тарифларнинг ўрта ва узоқ муддатли келажак учун мақсадли чегараларини белгилаш.

3. Соҳада фаолият кўрсатаётган корхоналарда хўжалик юритиш механизмини қайта кўриб чиқиш ва самарали бошқарув механизмларини жорий этиш.

4. Амалдаги ҳуқуқий меъёрларнинг устуворлигини ошириш асосида соҳадаги коррупция ва иқтисодий қонунбузарликлар даражасини пасайтириш.

5. Уй-жой коммунал соҳасида истеъмолчилар ва етказиб берувчи субъектлар билан алоқаларни ахборот технологиялари орқали амалга оширишни таъминлаш орқали фаолият жадаллигини ошириш.

Жаҳон мамлакатларида самарадорлиги билан синовдан ўтган уй-жой коммунал хизматларини кўрсатиш, самарали бошқариш механизмлари асосида республикамизда мавжуд имкониятлар ва салоҳиятни, миллий менталитетни, аҳоли пунктлари жойлашган ҳудудларнинг табиий-иқлим шароитини ҳамда аҳолининг ушбу йўналишлардаги эҳтиёжлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тизимда таркибий ўзгаришларни амалга оширилиши тизимни энг самарали ҳолатда шакллантириш ва ривожлантириш имконини беради.

Диссертациянинг **«Ўзбекистонда уй-жой коммунал соҳаси фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати ва уларда бошқарув самарадорлигини баҳолаш»** деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси фаолияти таҳлили ва хизматлар бозоридаги тенденциялар ўзгариши, уй-жой коммунал хўжалиги корхоналари рақобатбардошлиги ва хизматлар сифатини бошқариш жараёнига омиллар таъсирини баҳолаш ҳамда уй-жой коммунал соҳасида рискларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш ёритиб берилган.

Жаҳон мамлакатлари тараққиёти таҳлили кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг иқтисодий ўсиш кўрсаткичларида хизмат кўрсатиш соҳалари ва тармоқларининг улуши тез суръатлар билан ўсиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

2013 йилда мамлакатимиз бўйича жами уй (хонадон)лар сони 5718,2 минг бирликни ташкил этиб, унинг 5694,1 минг бирлиги ёки 99,6 % ини хусусий

мулк бўлган уй (хонадон)лар, қолган 24,1 минг бирликни ёки умумий миқдорнинг 0,4 % ини оммавий мулк бўлган уй (хонадон)лар ташкил этган. 2019 йилга келиб жами уй (хонадон)лар сони 6337,7 минг бирликка етиб (ўсиш 10,8 %), унинг 6121,6 минг бирлиги (ўсиш 7,5 %) ёки 96,6 % ини хусусий мулк бўлган уй (хонадон)лар, қолган 27,4 минг бирликни (ўсиш 13,7%) ёки умумий миқдорнинг 0,4 % ини оммавий мулк бўлган уй (хонадон)лар ташкил этган (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида уй (хонадон)лар сонининг ўзгариши¹⁰

№	Кўрсаткичлар	Йиллар							2019 йилда 2013 йилга нисбаган ўсиш (камайиш), %
		2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	
1	Жами уй (хонадон)лар сони, минг бирлик	5718,2	5804,1	5796,9	5940,5	5924,3	6074,6	6337,7	110,8
2	Шундан: хусусий мулк бўлган уй (хонадонлар сони), минг бирлик	5694,1	5780,3	5773,1	5916,0	5897,2	6047,8	6121,6	107,5
	Жами уй (хонадонлар) сонидagi улуши, %	99,6	99,6	99,6	99,6	99,5	99,6	96,6	3,0
3	Оммавий мулк бўлган уй (хонадонлар сони), минг бирлик	24,1	23,8	23,8	24,5	27,1	26,8	27,4	113,7
	Жами уй (хонадонлар) сонидagi улуши, %	0,4	0,4	0,4	0,4	0,5	0,4	0,4	-

Республика бўйича уй (хонадон)лар сонининг ўзгариш ҳолатини ҳудудлар кесимидаги таҳлил мамлакатимизнинг қайси ҳудудларида уй (хонадон)лар сони жадал суръатларда ўсиб бораётганлиги, қайси ҳудудларда ўзгариш суръатлари паст даражада эканлиги ва қайси ҳудудларда мавжуд кўрсаткичлар қисқариб бораётганлигини аниқлаш имконини беради (3-жадвал).

Жадвал маълумотлари таҳлили ўтган етти йил давомида республиканинг Қашқадарё (137,8 %), Қорақалпоғистон Республикаси (135,3 %), Бухоро (135,6 %) ва Хоразм (134,0 %) вилоятларида уй (хонадон)лар сони жадал суръатлар билан ўсиб бораётганлигини, Наманган, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида пасайиб бораётганлигини, қолган вилоятларда эса пастроқ кўрсаткичларда бўлсада ўсиш мавжудлигини кўриш мумкин. Ушбу ўзгаришларнинг асосий сабаби сифатида мамлакат ҳудудлари бўйича ҳудудий

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

бирликларнинг қайта ташкил этилиши ҳамда аҳолининг мамлакат ичидаги миграциясини кўрсатиш мумкин.

Уй-жой коммунал соҳасида фаолият кўрсатувчи корхоналар фаолияти ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини бошқариш жараёнларига таъсир этувчи омилларни ўрганишда ушбу омилларнинг таъсир кўрсатиш жараёнига мос равишда алоҳида турларга ажратиб олиш муҳимдир. Бунда омилларни таъсир этиш жараёнига боғлиқ ҳолда 3 турга: соҳада фаолият кўрсатувчи корхоналар фаолият самарадорлигига таъсир этувчи омиллар, уй-жой коммунал хизматлар соҳасини бошқариш тизими ривожланишига таъсир этувчи омиллар ва тақдим этилаётган хизматлар сифатини бошқаришга таъсир этувчи омилларга ажратиш масадга мувофиқ.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича уй (хонадон)лар сонининг ўзгариши (минг бирлик)¹¹

Худудлар	Йиллар							2019 йилда 2013 йилга нисбатан ўсиш (камайиш), %
	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	
Ўзбекистон Республикаси	5718,2	5804,1	5796,9	5940,5	5924,3	6074,6	6337,7	110,8
Қорақалпоғистон Республикаси	269,3	285,7	288,5	298,8	326,9	326,6	364,4	135,3
Вилоятлар								
Андижон	514,5	527,2	534,2	542,5	550,3	556,0	563,3	109,5
Бухоро	302,7	314,8	319,9	324,6	339,1	378,2	410,6	135,6
Жиззах	194,3	197,2	200,1	202,9	205,5	208,3	213,6	109,9
Қашқадарё	438,9	442,2	481,1	511,3	549,3	575,0	604,8	137,8
Навоий	174,9	176,2	178,4	183,0	198,1	204,5	212,9	121,7
Наманган	550,4	561,7	569,3	585,4	444,6	453,2	485,5	88,2
Самарқанд	542,8	550,7	558,7	570,3	590,4	600,6	612,3	112,8
Сурхандарё	375,7	377,9	380,6	383,3	413,1	424,8	437,8	116,5
Сирдарё	154,6	156,8	157,8	152,1	152,0	154,8	158,7	102,7
Тошкент	577,2	581,0	586,2	594,3	604,9	610,0	617,5	107,0
Фарғона	670,8	675,0	689,8	701,5	642,6	650,2	654,9	97,6
Хоразм	271,1	271,9	273,4	307,1	318,4	328,3	363,3	134,0
Тошкент ш.	680,9	685,8	578,7	583,4	589,0	604,1	637,9	93,7

Тақдим этилаётган хизматлар сифатини бошқаришга таъсир этувчи омиллар ахборот шаффофлиги, истеъмолчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасидаги

